

ТАҚИРСИМОН ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА ТУРЛИ КОМПОСТЛАР, ТУПРОҚНИ  
УМУМФИЗИКАВИЙ ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ

Тошкент давлат мұхандислик ва агротехнологиялар университети  
в.б.доценти

**Абдиназаров Жамшид**

Тошкент давлат мұхандислик ва агротехнологиялар университети  
үқитувчысы

**Паянов Отабек**

Тошкент давлат мұхандислик ва агротехнологиялар университети  
талаабаси.,

**Каримова Комила**

**Аннотатсия.** Илмий мақола хозирғи кунда мамлакатимизнинг суғориладиган тақирысмон тупроқлари шароитида ингичка толали ғүзага бентонит, фосфорит ва гүнг асосидаги компостларни құллаш тупроқни органик үғитларга бүлгап эхтиёжини қондиришдір. Шу мақсадида озиқ моддаларига бой бүлгап компостларни құллаш орқали тупроқни агрофизикавий хоссаларига ижобий таъсир қилиб маъдан үғитлар фонида гектарига 13,0 т шудгор остига (бентонитли ва фосфоритли) компостлар ҳамда ўсув даврида 2,0 т/га компост құлланилган 4-6 варианттарда амал даври бошида тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 ва 30-50 см ли қатламида 1,30 ва 1,37-1,36 г/см<sup>3</sup> ни ташкил қилиб, назоратта нисбатан 0,05 ва 0,02-0,03 г/см<sup>3</sup> га камайғанлиги аниқланыб, амал даври охирига бориб 1,33 ва 1,39 г/см<sup>3</sup> ни ташкил қилиб, назоратта нисбатан 0,06 ва 0,05 г/см<sup>3</sup> га камайғанлиги аниқланды.

**Калит сўзлар:**Ховдак бентонити, Гулиоб фосфарати, ярим чириган гүнг, компост.

**КИРИШ**

Тупроқда унинг үнумдорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири унинг агрофизикавий хусусияти бўлиб ҳисобланади. Асосан, тупроқнинг механик таркиби, донадорлиги, ҳажм массаси, ғоваклиги, нам сиғими, сув ўтказувчанлиги ва бошқалардир.

Кўпчилик олимлар томонидан исботланганидек, тупроқ ҳайдов қатлами нам, ҳаво, озиқа унсурлари билан яхши таъминланса, микробиологик жараёнлар ҳам фаол

кечади. Тупроқда микроорганизмлар учун қулай мұхит тикланади ва уларнинг фаоллиги ошади шунинг ҳисобига тупроқнинг физик үнүмдорлиги яхшиланади. Бу мұхитнинг пайдо бўлишида тупроқда чириндининг фаол гумусга айланишини тезлаштирувчи турли компостларнинг аҳамияти катта. Тупроқ структурасининг яхшиланиши асосан тупроқнинг ҳажм массасининг ўзгаришига ўзига хос таъсир этишлігini aniqlagan [1;2;3;4;5;6;7;8;9;10].

Н.А.Качинский [16] механик таркиби турли бўлган тупроқларни ўрганиш жараёнида, тупроқнинг үнүмдорлик хусусияти унинг механик таркибига боғлиқ, соз механик таркибли тупроқларда қишлоқ хўжалиги экинлари ривожланиши жадал бўлади деган хulosага келган.

Тупроқнинг ҳажм оғирлиги (зичлиги) ингичка толали ғўзанинг мақбул ўсиши ва ривожланиши учун шароит 1,1-1,3 г/см<sup>3</sup> атрофида бўлганда яхши бўлади. Бундай ҳажм оғирлиқда тупроқда етарли ҳаво ва модда алмашиши, биологик активлик юзага келади ва озиқа элементларининг юқори даражада сўрилиши таъминланади, ўсимлик қийин ўзлаштирадиган озиқа моддаларининг капилляр ўзлаштирилиши яхшиланади.

Юқорида баён қилинган адабиётлар таҳлилларига кўра ва сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгаришининг тупроқ мелиоратив ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши турли ресурсларнинг тақчиллиги үнүмдорликни сақлаш ва уни ошириб боришда ҳамда зироатлардан юқори ва сифатли ҳосил олишда замонавий ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатмоқда [9;10;11;12;13;14;15]..

Бизнинг изланишларимизда Ховдак бентонит, Гулиоб фосфорити ва ярим чириган гўнг асосида тайёрланган компостларнинг тупроқ агрофизик ва агрокимёвий хосса хусусиятларига таъсири ўрганилган.

Тадқиқот ўтказиш услублари. Тадқиқотда барча кузатувлар, таҳлиллар ва ҳисобкитоб ишлари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқ таркибидаги озиқа моддалар миқдорлари ва агрофизикавий таҳлиллар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1963) услубий қўлламалари асосида олиб борилган.

Тадқиқотларимизнинг иккинчи йилида Ховдак бентонит, Гулиоб фосфорити ва ярим чириган гўнг асосида тайёрланган компостлар юқори миқдорда қўлланилган варианtlарда уларнинг таъсирида ҳам тупроқнинг ҳажм массаси камайиши кузатилди (1-жадвал).

Андоза ва назорат 1-2 варианtlарда амал даври бошида тупроқнинг ҳайдов 0-30 ва ҳайдов ости 30-50 см ли қатламларида ҳажм массаси 1,34-1,35 ва 1,38-1,39 г/см<sup>3</sup>

ташкил қилған бўлиб, амал даври охирига бориб бу кўрсаткичлар 1,39 ва 1,42-1,44 г/см<sup>3</sup> ортганлиги кузатилди.

Минерал ўғитлар N-200, P2O5-110, K2O-70 кг/га фонида 3,0 меъёрида бентонит гили ва шу меъёрда Гулиоб фосфорити қўшимча озиқа сифатида қўлланилган 3-5 вариантларда тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламларида уларнинг таъсиrlарига кўра амал даври бошида ҳажм массаси 1,33-1,34 ва 1,38 г/см<sup>3</sup> ни ташкил қилди ва назоратга нисбатан 0,02-0,01 г/см<sup>3</sup> га камайганлиги кузатилди. Маъдан ўғитлар фонида гектарига 13,0 т шудгор остига (бентонитли ва фосфоритили) компостлар ҳамда ўсув даврида 2,0 т/га компост қўлланилган 4-6 вариантларда амал даври бошида тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 ва 30-50 см ли қатламида 1,30 ва 1,37-1,36 г/см<sup>3</sup> ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 0,05 ва 0,02-0,03 г/см<sup>3</sup> га камайганлиги аниқланиб, амал даври охирига бориб 1,33 ва 1,39 г/см<sup>3</sup> ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 0,06 ва 0,05 г/см<sup>3</sup> га камайганлиги аниқланди.

Қўлланилган бентонит, фосфорит ва ярим чириган гўнг шулар асосида тайёрланган компостларнинг таъсири ва сўнгги таъсиrlари уларнинг иккинчи йилида энг юқори бўлиб, сўнгги учунчи йилларида камайиб бориши кузатилди.

Таъкидлаш мумкинки турли компостларнинг таъсири ва сўнгги таъсиrlари тупроқ қатламларида ҳажм массасининг нисбатан камайишига сабаб бўлди.

Мавсум давомида ғўза қатор ораларига берилган турли ишловлар суғориш, озиқлантириш ва бошқа агротадбирлар учун киритилган техникалар таъсирида мавсум охирида тупроқнинг зичлашиши кузатилди бироқ компостлар қўлланилган вариантларда бу кўрсаткичлар уларнинг таъсири ва сўнгги таъсиrlарига кўра назоратга нисбатан камроқ бўлганлиги аниқланди. Қўлланилган турли компостларни меъёр ва муддатларига кўра тупроқ структурасини яхшилаб, сингдириш сиғимида агрономик фойдали фракцияларнинг кўпайишига сабаб бўлиши тупроқнинг зичлашиб ҳажм массасининг ортиб кетиши олдини олишда таъсири ва сўнги таъсиrlари ижобий еканлиги аниқланди.

**“FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS  
INTERDISCIPLINARY SCIENCES”**  
**ITALIA**

**Қўлланилган компостларнинг тупроқ ҳажм массасининг ўзгаришига таъсири (г/см<sup>3</sup>), 2021 йил**  
**1-жадвал**

Вариант тартиби	Маъдан ўғитларнинг йиллик меъёрлари, кг/га			Турли компостларнинг меъёрлари, т/га	Экишдан оддин, 10.04.2021й					Амал даври охирида, 18.10.2021й				
	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O		0-10	10-20	20-30	0-30	0-50	0-10	10-20	20-30	0-30	0-50
1	200	140	100	Андоза	1,33	1,34	1,34	1,34	1,38	1,38	1,39	1,39	1,39	1,42
2	200	110	70	Назорат	1,34	1,35	1,36	1,35	1,39	1,39	1,40	1,40	1,39	1,44
3	200	110	70	3,0 т (бентонит) шудгор остига	1,33	1,33	1,33	1,33	1,38	1,36	1,39	1,38	1,39	1,42
4	200	110	70	3,0 т (бентонит)+10 т ярим чириган гўнг билан тайёланган компост шудгор остига+хар ўили 2,0 т компост	1,30	1,31	1,30	1,30	1,37	1,33	1,33	1,34	1,33	1,39
5	200	110	70	3,0 т (Гулиоб фосфорити) шудгор остига	1,34	1,34	1,33	1,34	1,38	1,38	1,39	1,39	1,39	1,43
6	200	110	70	3,0т Гулиоб фосфорити+10 т ярим чириган гўнг шудгор остига+хар ўили 2,0 т компост	1,30	1,30	1,31	1,30	1,36	1,33	1,33	1,34	1,33	1,39

Тупроқ ғоваклигининг ўзгариши унинг ҳажм массасига ўхшаш қонуниятларни қайтариши кўпгина изланишларда таъкидланган. Ҳажм массасининг ортиши билан унинг ғоваклиги камайиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотда қўлланилган Ховдак бентонит, Гулиоб фосфорити ва ярим чириган гўнглар асосидаги компостлар табиий мелиорантлик ва озиқавийлик хусусиятлари бўлганлиги учун тупроқ қатламларида агрофизик хусусиятларига таъсир этиб, ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларда ҳажм массасининг яхшиланишига сабаб бўлди.

#### **ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Abdinazarov J., “The effect of various composts on the amount of salts in the soil” Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia. PP.13-16. 11.03.2024.

2. Abdinazarov, S.M.Baltaev “Surxondaryoning taqirsimon tuproqlari sharoitida ingichka tolali g’o’zani parvarishlashda qo’shimcha oziqalarning ta’siri o’rganish” World scientific research journal J2 Volume-5\_Issue-1\_July\_2022 Y-2022

3. S.Boltayev, O.Boynazarov, F.Imamov, J.Abdinazarov, B.Turdiyev, D.Artikova. Tuproq unumdarligiga noan’anaviy orgona-mineral kompostlarni qo’llash samradorligi. Life sciences and agriculture. 2021 № 3 (7). 37-53 p.

4.S.M.Boltayev, N.Abdurahimov, J.Abdinazarov, B.Turdiyev. Surxondaryoning taqir tuproqlari sharoitida ingichka tolali g’o’zani parvarishlash agrotexnologiyasida qo’shimcha

oziqlantirishning ahamiyati. Qishloq xo'jaligi ekinlarini yetishtirishda dozarb masalalar va uni rivojlantirish istiqbollari nomli konferensiya ma'teriallari to'plami. T-2020. 105-107-bet.

5. Дилбар Абдукаюмовна Тунгушева, Сайдулло Болтаев, Ренат Сайдович Назаров. Применение нетрадиционных агроруд и компостов в хлопководстве. Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования. 2016 гю 2101-2105 с.

6.Ботаев С.М. Туунгушова Д. А. Абдрахмонов С.О. Белоусов Э.М. Бентонит лойқасининг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири. Пахтачилик ва дончиликни ривожлантириш муаммолар. Т-2024. 156-6.

7.DA Tungushova, SO Abdurahmanov, ЭМ Belousov, SM Boltaev. Uzbek Cotton Research Institute. Collection of articles on the basis of reports of the international scientific-practical conference " Scientific and practical bases of increasing soil fertility"(Part I).

8. Jamshid, A., & Otabek, K. (2024). THE EFFECT OF COMPOSTS ON THE YIELD OF FINE-FIBER COTTON. SCIENTIFIC ASPECTS AND TRENDS IN THE FIELD OF SCIENTIFIC RESEARCH, 3(27), 239-242.

9.СМ Болтаев, РС Назаров. Последействие органоминеральных компостов на плодородие почвы и продуктивность растений. Актуалные проблемы современной науки. 2016. 174-178 С.

10.J.Abdinazarov. B.Turdiyev S.M.Boltayev, T.Qoraboyev. Xovadak bentonite loyqasi bilan chigitni kapsulalab ekishning afzalligi. O'zbekiston janubida qishloq xo'jaligini rivojlantirish istiqbollari mavzusidagi konferensiya ma'teriallari to'plami. 1-qism. Termiz tumani-2020. 65-70 bet.

11. SM Boltayev. The influence of various types of non-traditional activated compost on ameliorative soil state and cotton plant yield capacity. The Way of Science. 2014/3. 81 p.

12. Jamshid, A., Saydullo, B., Otobek, P., Umida, M., & Uligberdi, K. (2022). TO STUDY THE EFFECT OF ADDITIONAL NUTRIENTS IN THE CARE OF FINE-FIBER COTTON IN THE CONDITIONS OF BARREN SOILS OF SURKHANDARYA REGION. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(1), 156-158.

13. Boltayev, S. M., Abdinazarov, J., & Yusupov, A. (2022). SURXONDARYONING TAQIRSIMON TUPROQLARI SHAROITIDA INGICHKA TOLALI G 'O 'ZANI PARVARISHLASHDA QO 'SHIMCHA OZIQALARNING TA'SIRI O'RGANISH. World scientific research journal, 5(1), 50-54.

14. . Abdinazarov. (2024). THE EFFECT OF VARIOUS COMPOSTS ON THE AMOUNT OF SALTS IN THE SOIL. Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies, 3(3), 13–16. Retrieved from <https://econferenceseries.com/index.php/scms/article/view/4075>

15. Абдиназаров, Ж., & Болтаев, С. (2023). СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТАҚИРСИМОН ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИ ПАРВАРИШЛАШДА ТУРЛИ КОМПОСТЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ. AGROINNOVATSIYA, 1(1), 118-121.
16. Качинский Н.А. Структура почвы. В кн. Физика почвы. Москва, 1965. -С. 235-320.
17. Dala tajribalarini o'tkazish uslublari O'zPITI (2007),
18. Методы агрохимических и микробиологических исследований в поливных районах» СоюзНИХИ(1977).